

УДК: 633:51.511

**ЎЗПИТИ-201 ҒЎЗА НАВИНИ ТУРЛИ ЭКИШ УСУЛЛАРИДА  
ЭКИЛГАНДА ТУПРОҚНИНГ ДАЛА НАМ СИҒИМИ ВА ҲАЖМ  
ОҒИРЛИГИ ТАЪСИРИ**

*Мамадалиева Саидахон Баходирбековна*

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти  
ассистенти*

***Аннотация:** Тажриба натижаларига қараганда, чигитлар одатдаги очиқ усулда экилган маъдан ўғитларни 2 хил усулда NPK 180-125-90 ва 200-140-100 кг/га меъёрлари қўлланилган ҳамда ЧДНС га нисбатан 70-75-60% оптимал тартибда сугорилган назорат вариантларда тупроқ ҳайдов қатламининг (0,30 см) амал даври бошидаги ҳажм массаси ўртача 1,27 ташиқил этган бўлса, амал даврининг охирига келиб, бу вариантда қўлланилган турли ўзига хос омиллар таъсирида 1,34 г/см<sup>3</sup> ни ташиқил қилиб, 0,07 г/см<sup>3</sup>га кўпроқ зичлашганлиги кузатилган.*

***Annotation:** According to the results of the experiment, the seeds were sown in the usual open way, with the application of mineral fertilizers in 2 different ways: NPK 180-125-90 and 200-140-100 kg/ha, and 70-75-60. % of irrigated tillage in the optimal order compared to the NPV. /cm<sup>3</sup> more due to the influence of various specific factors used in this variant, dense was observed.*

***Калим сўзлар:** Чигитни пуштага, очиққа, қора плёнка, шаффоф плёнка, NPK 180-125-90 ва 200-140-100 кг/га, ЧДНС га нисбатан 70-75-60% ларни ўз ичига олади.*

***Key words:** Seedlings, open, black film, transparent film, NFR 180-125-90 and 200-140-100 kg/ha containing 70-75-60% NPSH.*

Дала нам сиғими тупроқнинг механик таркиби, макро ва микроагрегатлар, агрофизик ва агрохимёвий, сув ва физик ҳоссаларига боғлиқ бўлган энг муҳим тупроқ хусусиятларидан биридир. Суғориш ва озиқлантириш билан боғлиқ бўлган дала тажрибаларида дала нам сиғимига кўра суғориш муддатлари, меъёрлари, сув сарифларини аниқлашда муҳим ўрин эгаллайди.


Тупроқнинг чекланган дала нам сиғими деб, тупроқда тўпланган ва узок муддат давомида сўриш кучи ҳисобига ушлаб туриладиган энг кўп сув миқдорига айтилади. Тупроқнинг дала нам сиғимини мелиорация ва суғорма деҳқончиликда ЧДНС муҳим аҳамият касб этади.

Тажрибада тупроқнинг ЧДНС ни аниқлаш учун энг қулай фурсат, яъни баҳор фаслида аниқланди чунки бунда тупроқ зичлашмаган бўлади. Бунинг учун даланинг бир ҳил хусусиятга эга бўлган текис майдони танлаб олинди, юзаси текисланди ва иккита 2x2 м ўлчовда марза тайёрланди. Майдончаларга 3000 м<sup>3</sup>/га сув қуйилди. Бу иш давомида тупроқни ҳўл ёки куруқлигига қараб сув меъёрлари ўзгартириб борилди. Сув тупроққа тўла шимилиб бўлгандан сўнг юзаси сув парланиб кетишини олдини олиш мақсадида плёнка билан ёпилди. Тажрибанинг кузатув майдончаларидан 3 кундан сўнг тупроқни ҳар 10 см қатламидан 100 см чуқурликкача намуналар олиниб аниқланди. Тупроқ қатламлари бўйича сўнгги ўртача намлик алоҳида ҳисоблаб чиқилди. Шунга кўра тажриба даласининг ўртача 0-50 см тупроқ қатламидаги ўртача намлик 22,9%, 0-70 см қатламдаги намлиги 23,2%, 0-100 см қатламдаги намлиги 23,4% ни ташкил этди. Шу боис дала тажрибаларида ҳар йили энг аввало экиш олдидан тегишли услублар асосида дала нам сиғими аниқланди.

Тажриба тизимида ғўзани суғориш белгиланган ЧДНС га нисбатан 70-75-60% суғориш тартибларида барча суғоришлар ҳар йили тажриба йилларига тегишли равишда дала нам сиғимининг шу кўрсаткичлари асосида амалга оширилди.

Шунингдек тупроқнинг яна бир муҳим ҳоссаларидан бири ҳажм массасидир. У ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай тупроқ

шароитини яратади. Шу нуқтаи назардан қараганда, агротадбирларнинг ҳар бири ўзига хос тупроқ муҳитини вужудга келтириб, ўсимликнинг бутун ўсув давридаги ҳаёт фаолиятида муҳим ўрин эгаллади.




**1-расм: Тупроқнинг дала нам сиғими ва ҳажм массаси, г/см<sup>3</sup>**

Тажриба натижаларига қараганда, чигитлар одатдаги очиқ усулда экилган маъдан ўғитларни NPK-200-140-100 кг/га меъёрлари қўлланилган ҳамда ЧДНС га нисбатан 70-75-60% оптимал тартибда суғорилган назорат вариантларда тупроқ ҳайдов қатламининг (0,30 см) амал даври бошидаги ҳажм массаси ўртача 1,27 ташкил этган бўлса, амал даврининг охирига келиб, бу вариантда қўлланилган турли ўзига хос омиллар таъсирида 1,34 г/см<sup>3</sup> ни ташкил қилиб, 0,07 г/см<sup>3</sup>га кўпроқ зичлашганлиги кузатилди. Ғўза қатор ораларини қора плёнка тўшаб суғорилган вариантларда эса, амал даврининг бошидаги 0-30, 0-50 см қатламлардаги ҳажм оғирлигига нисбатан 0,07-0,09

г/см<sup>3</sup> дан зичлашганлиги кузатилди. Чигитлар шаффоф плёнка остига экилган вариантларда эса, 0,05-0,07 г/см<sup>3</sup> зичлашганлиги маълум бўлиди.

Демак, ЎзПТИ-201 ғўза навини чигити шаффоф плёнка остига экиш технологиясида ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғорилган вариантларда 0-30 ва 0-50 см тупроқ қатламини зичлиги амал даврини бошидаги тупроқ зичлигига нисбатан 0,05-0,07 см<sup>3</sup> га зичлашиб энг яхши, қулай тупроқ муҳити яратилар экан.

ЧДНСга нисбатан 70-75-60% тупроқ намлигида одатдаги усулда суғорилган вариантларда суғоришлар, қатор орасига ишлов бериш ва бошқа шунга ўхшаш омилларнинг таъсирида амал даврини бошидаги ҳажм оғирлигига нисбатан ҳайдов ва ҳайдов ости (0-30 см ва 0-50 см) қатламида ўртача 0,12 г/см<sup>3</sup> зичлашиб, 1,39 ҳажм оғирлигини ташкил этди.



## **2-расм: Агротадбирларни тупроқни ғоваклик хусусиятига таъсири, %**

Ғўза қатор орасига қора плёнка тўшаб суғориш технологиясида қатор ораларига ишлов беришнинг ва суғоришлар сонининг қисқариш ҳисобига 0-30 см тупроқ қатламининг зичлиги одатдаги усулда суғорилган вариантларга

нисбатан  $0,02 \text{ г/см}^3$  га камайиб, ўртача  $1,37 \text{ г/см}^3$  ни ташкил қилди. Амал даврининг бошидаги кўрсаткичга нисбатан эса,  $0,10 \text{ г/см}^3$  га зичлашди. Чигити плёнка остига экилган вариантларда плёнкалар амал даври давомида сақланганлиги сабабли унинг таъсири бутун амал даври давомида сезилиб турди. Натижада, бу вариантларда тупроқ намлиги узокроқ сақланиб турди. Шу сабабли тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламлари тегишли равишда ўртача  $0,08 \text{ г/см}^3$  зичлашди. Бу даврларда тупроқ намлигининг максимал даражада сақланиши ва тупроқ ғоваклиги хусусиятининг ошиши натижасида бутун амал даври давомида қулай тупроқ шароити яратилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, маълумотларнинг таҳлиliga қараганда, икала экиш муддатида ҳам тажриба йилларида тупроқ ҳажм массаси бўйича олинган натижалар қисман фарқ қилган бўлсада, агротадбирларнинг таъсир этиш қонуниятларида ўзгаришлар қайд этилмади. Шу боис ўртача маълумотларда агротадбирларнинг ўзига хос таъсири яққол намоён бўлди. Агротадбирларнинг ҳажм массаси бўйича таъсир этиш қонуниятлари тупроқнинг ғоваклик хусусиятида ҳам акс этди.

Жумладан, ЧДНС га нисбатан 70-75-60% тартибда суғорилган ҳар икала плёнка тўшалган вариантларда тупроқ ҳайдов (0-30 см) ва ҳайдов ости (0-50 см) қатламининг ғоваклик хусусияти қора плёнка тўшалган вариантларда ўртача 48,3% ва шаффоф плёнка тўшалган вариантларда 49,2% гача ошганлиги аниқлади.

Бунда, амал дварини бошидаги тупроқ ғоваклигига нисбатан тупроқ қатламининг ғоваклик хусусияти ғўза қатор орасига қора плёнка тўшаб суғорилган вариантларда тупроқ қатламларига тегишли равишда ўртача 3,2 ва шаффоф плёнка тўшалган вариантларда 2,3% гача камайганлиги аниқланди.

Бошқача айтганда, чигити шаффоф плёнка остига экилган вариантларда тупроқнинг ғоваклик хусусияти, чигитлар одатдаги усулда экилган вариантларга нисбатан ва ғўза қатор орасига қора плёнка тўшаб суғорилган вариантларга нисбатан ҳам узокроқ сақланиши маълум бўлди.

**Адабиётлар рўйхати**

1. ZHUMABOEV, Z., MAMADALIEVA, S., & AKHMADZHONOV, B. Root and Crop Residues in the Soil with Forage Crops. *JournalNX*, 7(02), 154-156.
2. Мамадалиева, С. (2021). ВЛИЯНИЕ АГРО-МЕРОПРИЯТИЙ НА ПРЕДЕЛЬНУЮ ПОЛЕВУЮ ВЛАГОЁМКОСТЬ И ОБЪЁМ ПОЧВЫ. *Экономика и социум*, (12-2 (91)), 197-200.
3. Mamadalieva, S. B., & Jumaboev, Z. M. (2020). Agricultural Measures In Soil Effect On Nutrition. *The American Journal of Applied sciences*, 2(12), 7-12.
4. Улжабоев, А. А. (2020). Влияние различной степени засоления почв на всхожесть семян, рост и развитие хлопчатника. *Актуальные проблемы современной науки*, (1), 97-99.
5. Улжабоев, А. А. (2019). Влияние засоления на рост и развитие хлопчатника. In *Advances in Science and Technology* (pp. 18-20).
6. ULJABOEV, A., & Tukhtasinov, A. Effect Of Soil Salinity On Cotton Leaf Development And Defoliation Efficiency. *JournalNX*, 7(02), 368-370.
7. Abdullajonovich, U. A., & Nodirjon, K. M. (2022). Efficiency of Defoliation on Low Salt Fields. *The Peerian Journal*, 5, 1-7.
8. Abdullajonovich, U. A., & Mamurjan O'g'li, O. A. (2022). Effect Of Soil Salinity On Cotton Leaf Development And Weight Change. *Eurasian Research Bulletin*, 14, 287-289.